Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 26 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 32 (6928)

Da'vat

Уста борида
қўлингни тий,
Устод борида —
тилингни.

Ўзбек халқ мақоли.

Ibrat

Яқинда Пойариқ туманидаги 1-ўрта мактабга 1 миллион сўмлик компьютерлар комплекти ўрнатилди. Зиё масканини компьютер билан таъминлашда вилоят халқ таълими бошқармасининг саъй-ҳаракатлари катта бўлди.

МУҲИМ ҚОНУНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

24-25 апрель кунлари Тошкентда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Парламент ўз ишини Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 1996 йилги фаолият тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқишдан бошлади.

Муҳокамалардан сўнг, мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. Парламент қонунни қабул қилди ва Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 1996 йилдаги фаолиятини маъқуллади.

Саккизинчи сессиянинг ўзига хос жиҳатларидан бири шу бўлдики, унда республикамиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бир талай қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Божхона кодекси ва Бож тарифи тўғрисидаги, Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги, Табиий монополиялар ҳақидаги, Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳамда Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳамда Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида-ги қонунлар лойиҳаси муҳокамасида сўзга чиқиб, мазкур қонунлар Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда улкан аҳамиятга эга экани, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида журналистлар, оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни ва вазифалари тўғрисида батафсил тўхталди.

Шунингдек, депутатлар Фуқаролик — процессуал кодекси лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади-лар.

***

Парламент иккинчи иш кунини Хўжалик процессуал кодекси лойиҳасини кўриб чиқишдан бошлади. Лойиҳа муҳокамадан сўнг биринчи ўқишда маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди. У Ўзбекистон парламентининг келгуси даврда қонунларни тайёрлаш фаолиятининг устувор йўналишларига тўхталди. Президент яқин вақт ичида ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, халқ таълимининг мавжуд тизими ва ёшларни ҳарбий хизматга чақириш тартибини қайта кўриб чиқишга, Ўзбекистоннинг ёш авлоди маънавий бой ва жисмоний соғлом ўсишини таъминлашга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлади.

Депутатлар қонун ҳужжатларини тайёрлаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар.

Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳам шу сессияда қабул қилинди.

Шунингдек, сессияда Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги, геодезия ва картография тўғрисидаги, шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонунлар муҳокамалардан сўнг қабул қилинди.

Сессия ишида республиканинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, шунингдек, Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилинди, бир қанча халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилинди.

Сўнгра депутатлар Олий суд таркибига ўзгартиш киритдилар, Қўқон шаҳрининг чегараларини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар, Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1996 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ўз ишини тугатди.



Элимизда «Иш боши интизом», деган ажойиб нақл бор. Дарҳақиқат, тартиб, масъулият ҳукмрон жойда иш унуми, ўқув унуми кўнгилдагидек бўлади.

Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 10-гимназия жамоаси ҳам ўқув ишлари жараёнида аввало интизомга катта эътибор беришяпти. Бу ерда ўқувчилар бир хил ўқувчилар формасида сабоқларга келишади, дарс ва дам олиш тартибларига қатъий амал қилишмоқда. Шу боисдан ҳам ўқув ишларида юқори натижаларга эришаётирлар.

СУРАТЛАРДА: гимназиянинг ЭҲМ фани ўқитувчиси Р. Йўлдошев (1-расм), гимназия ўқувчилари (2-расм), инглиз тили муаллимаси Гулсара Анорқулова (3-расм).

Вячеслав АЧКАСОВ олган суратлар.

⊛ 23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ч Ёнг Ха ишонч ёрлиғини топширди.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон — Ўш — Қашқар темир йўли қурилиши ва автомобиль йўлининг қайта қурилиши масалаларига бағишланган Халқаро кенгаш қатнашчиларига табрик йўллади.

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Т. А. Мамажонов Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ва унга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

JUMLADA JAHON

⊛ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Р. Ҳ. Раҳматуллаев Ўзбекистон Республикасининг Индонезиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди ҳамда унга биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил дипломатик мартабаси берилди.

⊛ Ўзининг Россияга беш кунлик сафари давомида Хитой давлат кенгаши раиси Цзянь Цземин ҳамда Россия Президенти Борис Ельцин икки мамлакатнинг стратегик ҳамкорлигини кучайтириш масалаларини муҳокама этишмоқда. Шунингдек Президентлар АҚШнинг жаҳонда устивор мавқега чиқиб олишига қарши ҳамкорликда ҳаракат қилиш истагини ҳам билдиришди.

⊛ АҚШ ҳукуматининг Бирма ҳарбий маъмурияти томонидан инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши сабаб бу мамлакатга жазо чораларини эълон қилишини Президент Билл Клинтон маъқуллаган.

⊛ Франция Президенти Жак Ширак шу йилнинг май ойида умумий сайловлар ўтказилишини эълон қилди. Унинг таъкидлашича сайловлар ўтказиш зарурати ягона Европа валютаси, Европа иттифоқининг кенгайиши ҳамда НАТОнинг янгиланиши каби муҳим таклифларни Франция халқининг қўллаб-қувватлашидан дарак берар экан.

АНДИЖОН КЎЗГУДА ҚАНДАЙ КЎРИНАЯПТИ?
2-бет.

КОИНОТ «ДЎСТЛАРИ» ВА «ДУШМАНЛАРИ» КИМ?
4-бет.

ИНТЕРНЕТ
INTERNET

РУС ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КУЧИ

Психологларнинг аҳоли орасида ўтказган изланишларига қараганда, русларнинг интеллектуал қобилияти америкаликларникига нисбатан пастроқ экан. АҚШда сўнгги қирқ йил давомида кенг тарқалган тестлар катталар ва болалар учун мўлжалланган бўлиб, кишининг ақлий қобилиятини ўртача даражадан қанчалар паст ёки юқори эканлигини аниқлайди. Россия ФА Психология институти профессори В. Дружинин фикрича, бундай кўрсаткичга ичкиликбозлик, таълим-тарбиядаги камчилик ҳамда оила ажрашувлари салбий таъсир этган. Мактаблардан олинган маълумотлар «иккичи» ўқувчилар ичида ҳам ақлий қобилияти баландлар кўп эканлигини кўрсаттан. «Ҳамма гап ана шу қобилиятни ўсмирлик даврида парвариш этиб, камолга етказишда», — демоқда профессор.

БИР НАФАСДА

Халқаро «МЕНЗА» клуби пешонаси дўнг энг иқтидорлилардан 110 мингтасини бирлаштириб туради. Яқинда унинг президенти этиб Германиянинг Киль шаҳар йиғинининг раиси Удо Шульц сайланди. 53 ёшли Шульц 56 ҳарфли сўз бирикмасини бир нафасда айта олиш санъатини эгаллаган. Клубга аъзо бўлиш учун 100 баллик интеллектуал қобилият ўлчовидан 30 балл ошиқ, яъни 130 баллик ақлий иқтидорга эга бўлиш лозим. Интеллектуал коэффициент асримиз бошларида аниқланган бўлиб, ташқи муҳит, ирсият, моддий шароитларга боғлиқ. Ирсиятшунос олимларнинг маълумотларига кўра алоҳида ўсган эгизакларнинг интеллектуал кўрсаткичи бирга ўсган кишиларникига қараганда боғлиқроқ экан. АҚШнинг Калифорния университетида 24 сичқондан 12 таси яхшилаб боқилди. Натижада 10 ҳафтадан сўнг уларнинг миясидаги хотира соҳаси нейронларининг савияси оддий шароитда ўсган 12 сичқонникига нисбатан 15 фоиз баланд чиқди.

ДЕМОГРАФИК ОЙНА

Франциядаги Демографик тадқиқотлар институтининг изланишлари 110 мингтасини Ер аҳолисининг 2100 йилга бориб 11 миллиардга етишини кўрсатмоқда. Институт чоп этган докладда ёзилишича, 2000 йили Ер аҳолисининг 61 фоизи осиёликлар, 8 фоизи лотин америкаликлар, 13 фоизи африка ва 11 фоизи европаликлардан иборат бўлади. Янаги асрда жаҳон марказининг Осиёга кўчиши кутилмоқда, аҳоли энг зич жойлашган ерлар ҳам Осиёга тўғри келади: Токиода 27,9 млн., Бомбейда 18,1 млн., Нью-Йоркда 16 млн., Пекинда 14 млн. аҳоли тўпланар экан. Америкалик демографлар АҚШ аҳолисининг 50 йилдан кейинги ирқий тузилиши ҳақида маълумотларни эълон қилди. 2047 йили АҚШ да америкаликлар 52 фоиз, неграл 13 фоиз, лотин америкаликлар 25 фоиз, осиёликлар 9 фоизни ташкил этиши мумкин.

ЯХШИЛИККА ЁНДОШГАН ЁШЛИК

Боланинг кунглига қарасангиз, унга билиб-билмай озор етказиб қўймасангиз, бир кун келиб, албатта сизга ҳам ана шу «сийлов» қайтади. Ахир отабуваларимиз бекорга айтишмайди: «Болани урсанг эти, суксанг бети қотади». Шунинг учун ҳам фарзандларимизга қанча кўп меҳр-мурувват кўрсатсак, уларнинг тафаккури ривож топади, қалблари юмшайди. Қолаверса, келгусида бизларнинг юзимизни, озми-кўпми эзгу амалга оширган ишларимизни барчага кўз-кўз қиладиганлар ҳам ушалар! Йўқ. Аслида кўп гап кўнгилни оздиради. Шундай экан, келинг, муддаони айтиб қуя қолай...

Фарғона шаҳридаги махсус футбол мактаб-интернати 1994 йил республикада биринчилар қаторида ташкил этилган. Мактаб-интернатга дастлаб 25 нафар бола танлов асосида қабул қилинган бўлса, ҳозирга келиб уларнинг сони 100 нафар, яъни 2 та 5-синф, биттадан 6 ҳамда 7-синфларни ташкил этади.

Ушанда мактаб-интернат учун яратилган шароит ҳақида гапириш ҳам мумкин эмасди. Чунки, уларни шаҳардаги 4-ўрта мактаб биносига амал-тақал жойлаштиришган, 4 та синфхона ётоқхонага айлантирилган, ювиниш, маданий-маиший дам олиш хоналари, спорт иншоотлари йўқ, мактаб раҳбарияти эса, «ўзларида дарс борлиги»ни рўкач қилиб хоҳлаган пайтларида булажак футболчиларни синфхоналардан «қувиб» чиқаришарди. Улар бир қанча йўл босиб 64-автокорхона ўйингоҳи ёки болалар ва ўсмирлар спорт мактабига бориб машғулот ўтказишар, бу ўз-ўзидан уларнинг вақтдан унумли фойдалана билишларига кескин халал берар эди. Аммо тан олиш керак, «Сабрнинг туби сариқ олтин» деганлари рост экан. Нега дейсизми? Ахир, 1997 йил аввалида вилоят ҳокимлиги раҳбарлари ёш футболчи укаларининг ҳаёти билан бевосита қизиқа бошлашди. Уларга алоҳида бино ажратишди. Бу ерда ошхона, ётоқхона, алоҳида ўқув биноси, ҳар қалай бор. Хуллас, вилоятнинг барча туманларидан қабул қилиб олинган ўқувчилар дам олиш кунларида ҳам ўз вақтларини баҳоли қудрат мазмунлироқ ўтказиш имконига эга бўлишди.

ФУТБОЛ ТЎП ТЕПИШДАН БОШЛАНМАЙДИ

Бу гапга сираям ҳайрон бўлманг. Негаки, узингиз ҳам қачон қараса, «Футболчилар китоб ўқирмиди. Уларга тўп тепиш бўлса кифоя-да!» деган хаёл билан юрасиз. Аслида бундай эмас экан. Мен буни Фарғона вилояти махсус футбол мактаб-интернати ўқувчилари мисолида аниқ кўрдим.

Мактаб-интернатнинг ўқув дастури оддий мактабларникига нисбатан анча мураккаб. Бу ерда ҳар куни 6 соат дарс ўтиладиган бўлса, шуларнинг 2 соати, албатта футбол машғулотларидир. Қолаверса, педагогик жамоа томонидан ҳар бир боланинг ҳафталик ўзлаштириш даражаси худди ҳарбийлардагидек қаттиқ назорат остига олинган. Бу дегани, ўқувчи мабодо ҳафта давомида бир дона бўлса-да, «2» ёки «3» баҳо олиб қўйдими, дам олиш кунида уйига кетмайди.

Яна бир нарса. Ўтиладиган ҳар бир аниқ ва ижтимоий фан бевосита футболга боғланган ҳолда олиб борилади. Мана, масалан, она тили дарслари мисолида кўрадиган бўлсак, тузилажак гаплар ёхуд ёзилиши керак бўлган диктант учун албатта олдиндан футбол мавзуси танлаб олинади. Бу ўз-ўзидан болага фан билан бир қаторда футбол назарияси ҳам қисман ўзлаштириб бориши учун имкон яратади.

Мактаб-интернат ўқувчилари ҳар куни 5 маҳал бепул иссиқ овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланган. Футбол тўплари ҳам етарли. Улар кунига дарслар тугагандан сўнг 1 соат ётиб дам олишгач, соат 15.30 дан то 17.30 га қадар амалий футбол машғулотлари билан банд бўлишади. Болаларнинг футбол сирларини мукаммал эгаллаб боришларида «Нефтчи» жамоасида ўйнаган Юрий Великанов, Борис Головач, Андижон ва Қўқон жамоаларида ўйнаб қайтган Азимжон Раҳимов, Баҳром Жалолхўжаев, Иқром Собировдек малакали мураббийларнинг, айниқса ҳиссаси бир дунё. Улар ўз шогирдларининг ҳар бир ўйинларини видеотасвирга тушириб, уни бирталикда кенг таҳлил этиб боришади. Бу эса албатта боланинг ўсишига, малака ҳосил қилишига катта бир заминдир. Лекин футбол назариясини ўқувчиларга чуқур ўргатиш учун мураббийларнинг қўлларида ҳозирча янги дарслик йўқ. Эски дарсликлардан фойдаланилмоқда. Энди ҳориж тажрибаларидан огоҳ бўлиб ўз дарсликларимизни яратишимиз керак. Ҳозирча эса ўқитувчилар тажрибаларидан келиб чиқиб болаларга етказишга ҳаракат қилишяпти.

ҚАЙҒУРМАНГ, ДОМЛА, БИЗ БАРИБИР ЮТАМИЗ!..

Мактаб-интернат ўқувчилари фақат ўқиш-ўрганиш билангина чекланишмас экан. Мураббийлар уларни кўпроқ чет туманлар, ҳатто қўшни республикаларга олиб чиқиб, турли мусобақаларда иштирок этишларини таъминлаб боришади. Чунки болалар қанча кўп четга олиб чиқилса, мусобақалар ўтказса, шунча қобилият, малакаси ошади, чиниқади. Мен мураббийлардан бўлиб ўтган бир воқеани эшитиб жуда қувондим. Хуллас, мактаб-интернат терма жамоаси

(Давоми 4-бетда).

«БИЗДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎҚ БЎЛСИН...»

ДЕЙДИ БОЛАЛАР, ЛЕКИН НИҲОЛГА ПАРВАРИШ ҲАМ КЕРАК

Qaror va ijro

АНЖУМАН ИШ БОШЛАДИ

Куни кеча Тошкентда «Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланиши шароитида маънавият ва тарбия муаммолари» мавзуида амалий анжуман ўз ишини бошлади. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Экосан» халқаро жамғармаси, Республика ижтимоий таъминот вазирлиги ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамкорликда ташкил этишди. Анжуманни иқтисодиёт университети ректори, академик Саидаҳрор Ғуломов кириш сўзи билан очиб, талаба ёшларни ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашни янада такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, илмий анжуманда республикамизнинг кўпгина нуфузли олимлари, профессор-ўқитувчилари турли мавзуларда маъруза қилдилар.

Илмий-амалий семинардаги ҳар бир маъруза тингловчилар орасида қизғин баҳсларга сабаб бўлди, маърузачилар ҳар бир саволга илмий-амалий далиллар асосида жавоб бериб, олиб борилаётган маънавий ишларнинг илмий савияси юқорилигини намоён этдилар.

Умиджон ИРГАШЕВ.

ХАБАРЛАРИ — ММММ

АТТЕСТАЦИЯГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Чортоқ туманидаги барча мактаб директорларининг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари яқинда 9-ўрта мактабда тўпланишди. Улар 1996 — 1997 ўқув йили якуни бўйича ўқувчиларни аттестациядан ўтказишга тайёргарлик масалаларини муҳокама қилдилар. Семинарда туман халқ таълими бўлими мудири А. Ўринбоев, илмий бўлим мудирлари, ўқитувчилар сўзга чиқишиб, ўз мактабларида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари ҳамда аттестация ўтказиш қоидалари ҳақида гапирдилар.

«ҚАЛДИРҒОЧ» ҚАНОТ ҚОҚДИ

Асака тумани Қоратепа қишлоғидаги маданият уйида «Қалдирғоч» қўғирчоқ театри ташкил этилди. Унинг илк «Алдоқчи қарға» номли эртак-спектакли шу жамоа хўжалиги маданият саройида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Театр ходимларининг илк чиқишлари ва ролларини моҳирона ижро этишлари барчани хурсанд қилди. Айниқса, болаларнинг чексиз қувончини айтмайсизми!

Фотима ЖУМАЕВА.

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Яқинда Яккабоғ туман «Камолот» ёшлар жамғармаси ва маданият ишлари бўлими ходимлари «туманимиздаги билимдонларни би-ир кўриб қўяйлик» деган қарорга келишди чоғи, «Билимдонлар баҳси» деб номланган тадбир ўтказишди. Унда тумандаги 2 ва 9-касб-ҳунар лицейи мактаби ўқувчилари иштирок этиб, анъаналаримизга оид савол-жавоблар, саҳна кўринишлари ҳамда ҳикматли сўзлар изоҳи бўйича ўзаро беллашдилар. Ҳар иккала лицей ўқувчилари қизиқарли чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этишди. Томошанинг ниҳоясида маълум бўлдики, танловда 2-ҳунар лицейи ўқувчилари ғолиб чиқишди.

У. ЭРГАШЕВ.

Davlat test markazi tahlili

АНДИЖОН КЎЗГУДА ҚАНДАЙ КЎРИНЯПТИ?

Андижон вилояти туман ва шаҳарларидан тест синовларида қатнашган абитуриентлар жавобларининг барча фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлилларини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Вилоятнинг фанлар бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичлари: она тили ва адабиёти — 45.72%, математика — 42.88%, география — 44.57%, инглиз тили — 38.47%, немис тили — 28.99% ва француз тили — 30.46 фоиздан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар республиканинг шу фанлар бўйича ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан юқори.

Биология — 52.51%, физика — 26.71%, кимё — 41.34%, тарих — 48.71% бўлиб, бу фанлардан самарадорлик кўрсаткичлари республика ўртача кўрсаткичларидан паст.

Натижаларни республика вилоятлари билан таққослайдиган бўлсак, Андижон вилояти фанлар бўйича қуйидаги ўринлардадир:

Она тили ва адабиёт	— 7
Математика	— 4
Физика	— 8
Биология	— 9
Кимё	— 7
Тарих	— 8
География	— 7
Инглиз тили	— 6
Немис тили	— 3
Француз тили	— 5

Вилоят шаҳар ва туманларининг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичларини таққослаш қуйидаги натижаларни берди.

Андижон, Шаҳрихон, Хонобод шаҳарлари, Қўрғонтепа, Марҳамат, Бўз, Хўжаобод, Булоқбоши, Олтинкўл туманлари ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча шаҳарлар ва туманларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоятнинг ўртача кўрсаткичларидан паст.

Математика фани бўйича — Андижон шаҳри, Хонобод, Қорасув, Пойтуғ шаҳарлари, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Марҳамат, Бўз, Хўжаобод, Булоқбоши ва Олтинкўл туманларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан юқори. Қолган барча туман ва шаҳарларнинг кўрсаткичлари вилоят ўртача кўрсаткичларидан паст.

Физика фани бўйича Асака, Шаҳрихон, Жалолқудуқ, Марҳамат, Бўз, Булоқбоши ва Олтинкўл туманларининг самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичлари юқори, қолган туман ва барча шаҳарларнинг кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан паст.

Биология фани бўйича Асака, Хонобод, Охунбобоев, Марҳамат шаҳарлари, Андижон, Асака, Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Пахтаобод, Избоскан, Бўз, Баликчи ва Улуғнор туманларидан тест синовларида қатнашган абитуриентларнинг фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари вилоят кўрсаткичларидан паст эканлигини кўриш мумкин.

Кимё фанидан вилоят кўрсаткичларидан юқори самарадорлик кўрсаткичларига Андижон, Шаҳрихон, Хонобод, Марҳамат, Пойтуғ шаҳарлари, Асака, Қўрғонтепа, Хўжаобод туманлари эришган. Қолган туман ва шаҳарлар эса вилоят кўрсаткичларидан паст.

Тарих фанидан Шаҳрихон шаҳри (65.9%) абитурентлари; география фанидан эса Андижон шаҳри (62.50%) абитуриентлари; инглиз тили фанидан Марҳамат шаҳри (57.64%) абитуриентлари; немис тили фанидан Пойтуғ шаҳри (38.19%) абитуриентлари вилоят туман ва шаҳарларига нисбатан юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришганлар.

Қуйида келтирилган жадвал ва гистограммаларни вилоят халқ таълими бошқармаси, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан чуқур таҳлил қилиниб, кенгашларда муҳокама этиб, самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган шаҳар ва туманларда мазкур фанларни ўқитиш бўйича тегишли чора ва тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалиётда қўллайдилар, деган умиддамиз.

	Шаҳарлар ва туманлар	Она тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	531	48.73	4	224	52.78	2
2	Асака шаҳри	71	44.48	12	24	45.14	11
3	Шаҳрихон шаҳри	58	53.64	1	13	45.94	9
4	Хонабод шаҳри	39	48.08	6	13	46.37	7
5	Қорасув шаҳри	30	43.33	18	1	11.11	22
6	Охунбобоев шаҳри	23	44.32	14	11	48.99	5
7	Марҳамат шаҳри	34	43.55	17	11	36.11	19
8	Пойтуғ шаҳри	26	44.02	15	17	49.18	4
9	Андижон тумани	381	43.66	16	9	47.22	6
10	Асака тумани	203	43.10	19	4	42.36	12
11	Шаҳрихон тумани	231	44.85	11	3	59.26	1
12	Қўрғонтепа тумани	334	46.59	8	14	46.23	8
13	Жалалқудуқ тумани	417	44.99	10	32	38.80	16
14	Марҳамат тумани	375	51.22	2	10	36.67	18
15	Пахтаобод тумани	330	41.04	22	12	31.71	21
16	Избоскан тумани	454	42.99	20	9	39.51	14
17	Бўз тумани	97	48.28	5	5	33.89	20
18	Хўжаобод тумани	264	49.18	3	20	37.50	17
19	Баликчи тумани	579	44.37	13	8	39.24	15
20	Булоқбоши тумани	262	47.99	7	8	45.14	10
21	Улуғнор тумани	69	42.51	21	10	39.72	13
22	Олтинкўл тумани	251	45.27	9	4	49.31	3

	Шаҳарлар ва туманлар	Математика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	314	49.26	1	91	53.45	4
2	Асака шаҳри	34	37.17	18	10	38.33	15
3	Шаҳрихон шаҳри	20	35.28	20	8	52.43	5
4	Хонабод шаҳри	21	47.75	4	4	50.00	7
5	Қорасув шаҳри	19	46.49	5	1	30.56	16
6	Охунбобоев шаҳри	9	30.86	21	5	26.11	17
7	Марҳамат шаҳри	18	41.05	14	8	47.22	8
8	Пойтуғ шаҳри	13	43.80	11	4	76.39	1
9	Андижон тумани	225	42.72	12	2	63.89	3
10	Асака тумани	111	39.01	15	1	38.89	14
11	Шаҳрихон тумани	116	42.29	13	1	38.89	13
12	Қўрғонтепа тумани	158	45.57	7	8	50.69	6
13	Жалалқудуқ тумани	177	44.32	9	9	41.05	12
14	Марҳамат тумани	176	44.13	10	6	43.06	10
15	Пахтаобод тумани	127	35.63	19	3	42.59	11
16	Избоскан тумани	249	38.81	16	3	74.07	2
17	Бўз тумани	46	48.37	2	1	25.00	19
18	Хўжаобод тумани	131	44.51	8	13	44.87	9
19	Баликчи тумани	279	37.84	17	2	20.83	20
20	Булоқбоши тумани	116	46.12	6	1	16.67	21
21	Улуғнор тумани	27	30.25	22	0	0.00	0
22	Олтинкўл тумани	132	48.02	3	2	25.00	18

	Шаҳарлар ва туманлар	Физика					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	97	23.83	18	43	24.42	9
2	Асака шаҳри	11	22.73	20	6	21.30	11
3	Шаҳрихон шаҳри	5	21.11	22	1	25.00	8
4	Хонабод шаҳри	8	25.69	13	2	34.72	1
5	Қорасув шаҳри	2	22.22	21	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	4	26.39	10	0	0.00	0
7	Марҳамат шаҳри	12	23.84	17	3	25.93	6
8	Пойтуғ шаҳри	11	26.52	9	0	0.00	0
9	Андижон тумани	93	26.76	8	0	0.00	0
10	Асака тумани	47	28.78	4	0	0.00	0
11	Шаҳрихон тумани	36	30.09	2	1	30.56	2
12	Қўрғонтепа тумани	57	25.34	14	4	22.92	10
13	Жалалқудуқ тумани	84	27.65	7	5	27.78	5
14	Марҳамат тумани	60	29.21	3	3	28.70	3
15	Пахтаобод тумани	52	25.32	15	0	0.00	0
16	Избоскан тумани	89	24.56	16	1	25.00	7
17	Бўз тумани	13	38.68	1	0	0.00	0
18	Хўжаобод тумани	51	26.36	11	4	16.67	12
19	Баликчи тумани	102	25.84	12	2	27.78	4
20	Булоқбоши тумани	54	28.40	6	1	11.11	13
21	Улуғнор тумани	7	23.41	19	0	0.00	0
22	Олтинкўл тумани	53	28.46	5	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Биология					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	130	70.21	2	34	55.39	8
2	Асака шаҳри	13	46.37	15	7	57.94	6
3	Шаҳрихон шаҳри	30	79.72	1	1	72.22	3
4	Хонабод шаҳри	5	45.00	18	3	34.26	15
5	Қорасув шаҳри	2	55.56	5	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	1	16.67	22	1	77.78	1
7	Марҳамат шаҳри	6	43.06	21	1	47.22	11
8	Пойтуғ шаҳри	6	64.81	3	1	63.89	5
9	Андижон тумани	68	52.21	9	3	51.85	9
10	Асака тумани	45	45.49	17	0	0.00	0
11	Шаҳрихон тумани	55	50.71	11	0	0.00	0
12	Қўрғонтепа тумани	95	51.40	10	1	72.22	2
13	Жалалқудуқ тумани	134	47.70	14	6	35.65	13
14	Марҳамат тумани	79	53.41	8	0	0.00	0
15	Пахтаобод тумани	113	43.63	19	4	50.00	10
16	Избоскан тумани	96	47.77	13	1	69.44	4
17	Бўз тумани	21	45.90	16	1	25.00	16
18	Хўжаобод тумани	64	56,03	4	4	34.72	14
19	Баликчи тумани	131	48.24	12	0	0.00	0
20	Булоқбоши тумани	59	54.14	7	3	56.48	7
21	Улуғнор тумани	18	43.52	20	2	38.89	12
22	Олтинкўл тумани	63	54.81	6	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Кимё					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	121	60.84	2	31	59.05	5
2	Асака шаҳри	12	34.72	18	7	49.60	8
3	Шаҳрихон шаҳри	33	65.24	1	1	88.89	3
4	Хонабод шаҳри	3	51.85	4	3	32.41	14
5	Қорасув шаҳри	2	30.56	20	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	1	16.67	22	1	88.89	2
7	Марҳамат шаҳри	4	47.22	5	1	16.67	15
8	Пойтуғ шаҳри	4	60.42	3	1	44.44	10
9	Андижон тумани	58	38.31	13	2	72.22	4
10	Асака тумани	37	42.87	7	0	0.00	0
11	Шаҳрихон тумани	48	39.64	10	0	0.00	0
12	Қўрғонтепа тумани	74	42.38	8	1	91.67	1
13	Жалалқудуқ тумани	115	35.89	14	3	43.52	11
14	Марҳамат тумани	68	39.50	11	0	0.00	0
15	Пахтаобод тумани	89	33.33	19	5	42.22	12
16	Избоскан тумани	87	35.76	16	1	38.89	13
17	Бўз тумани	13	39.10	12	0	0.00	0
18	Хўжаобод тумани	47	44.80	6	1	50.00	7
19	Баликчи тумани	109	35.78	15	0	0.00	0
20	Булоқбоши тумани	50	35.44	17	1	44.44	9
21	Улуғнор тумани	18	29.01	21	1	52.78	6
22	Олтинкўл тумани	57	40.50	9	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Тарих					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	102	46.68	17	99	50.59	3
2	Асака шаҳри	28	49.70	11	7	30.56	16
3	Шаҳрихон шаҳри	8	65.97	1	4	26.39	19
4	Хонабод шаҳри	13	51.28	9	6	47.69	4
5	Қорасув шаҳри	9	57.41	2	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	13	57.26	3	5	47.22	5
7	Марҳамат шаҳри	11	44.44	21	2	29.17	18
8	Пойтуғ шаҳри	7	56.35	4	12	35.42	14
9	Андижон тумани	99	44.95	20	4	38.89	9
10	Асака тумани	55	48.28	14	3	37.04	12
11	Шаҳрихон тумани	67	48.55	12	2	52.78	2
12	Қўрғонтепа тумани	92	52.57	7	5	37.78	11
13	Жалалқудуқ тумани	131	46.54	18	17	32.52	15
14	Марҳамат тумани	142	53.78	6	4	29.17	17
15	Пахтаобод тумани	103	43.77	22	5	22.22	21
16	Избоскан тумани	127	46.81	16	5	40.56	8
17	Бўз тумани	34	50.65	10	3	23.15	20
18	Хўжаобод тумани	79	51.30	8	3	37.04	13
19	Баликчи тумани	214	46.17	19	6	43.52	6
20	Булоқбоши тумани	96	54.34	5	6	41.67	7
21	Улуғнор тумани	26	48.50	13	8	38.54	10
22	Олтинкўл тумани	63	47.88	15	2	73.61	1

	Шаҳарлар ва туманлар	География					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	2	62.50	1	0	0.00	0
2	Асака шаҳри	1	36.11	15	0	0.00	0
3	Шаҳрихон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
4	Хонабод шаҳри	1	61.11	2	0	0.00	0
5	Қорасув шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Марҳамат шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
8	Пойтуғ шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
9	Андижон тумани	1	47.22	9	0	0.00	0
10	Асака тумани	5	23.89	17	0	0.00	0
11	Шаҳрихон тумани	4	33.33	16	0	0.00	0
12	Қўрғонтепа тумани	9	47.84	8	0	0.00	0
13	Жалалқудуқ тумани	5	52.22	5	0	0.00	0
14	Марҳамат тумани	6	53.24	4	0	0.00	0
15	Пахтаобод тумани	10	42.22	12	0	0.00	0
16	Избоскан тумани	12	37.73	14	0	0.00	0
17	Бўз тумани	1	41.67	13	0	0.00	0
18	Хўжаобод тумани	5	43.89	11	0	0.00	0
19	Баликчи тумани	13	45.30	10	0	0.00	0
20	Булоқбоши тумани	3	58.33	3	0	0.00	0
21	Улуғнор тумани	3	51.85	6	0	0.00	0
22	Олтинкўл тумани	6	49.07	7	0	0.00	0

	Шаҳарлар ва туманлар	Инглиз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	217	43.65	7	117	50.95	4
2	Асака шаҳри	31	45.79	4	7	60.71	3
3	Шаҳрихон шаҳри	18	37.81	12	11	47.47	7
4	Хонабод шаҳри	23	52.42	3	8	50.69	5
5	Қорасув шаҳри	25	38.00	11	1	13.89	22
6	Охунбобоев шаҳри	16	44.27	6	10	39.44	11
7	Марҳамат шаҳри	4	57.64	2	2	18.06	21
8	Пойтуғ шаҳри	4	70.14	1	10	48.61	6
9	Андижон тумани	152	40.30	8	6	41.67	10
10	Асака тумани	65	31.84	21	2	30.56	17
11	Шаҳрихон тумани	90	35.31	16	2	61.11	2
12	Қўрғонтепа тумани	83	36.38	14	2	43.06	9
13	Жалалқудуқ тумани	107	34.27	18	14	36.71	13
14	Марҳамат тумани	80	44.90	5	1	22.22	19
15	Пахтаобод тумани	68	33.78	19	1	19.44	20
16	Избоскан тумани	107	35.23	17	5	26.67	18
17	Бўз тумани	51	35.89	15	4	30.56	16
18	Хўжаобод тумани	67	37.60	13	12	43.29	8
19	Баликчи тумани	184	38.68	9	4	38.89	12
20	Булоқбоши тумани	28	27.38	22	1	72.22	1
21	Улуғнор тумани	23	32.25	20	7	32.54	15
22	Олтинкўл тумани	58	38.60	10	3	34.26	14

	Шаҳарлар ва туманлар	Немис тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	64	28.43	9	27	37.24	1
2	Асака шаҳри	10	26.67	13	4	22.92	10
3	Шаҳрихон шаҳри	2	18.06	21	0	0.00	0
4	Хонабод шаҳри	1	41.67	1	0	0.00	0
5	Қорасув шаҳри	1	19.44	20	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	2	25.00	15	0	0.00	0
7	Марҳамат шаҳри	2	13.89	22	0	0.00	0
8	Пойтуғ шаҳри	4	38.19	2	5	31.11	3
9	Андижон тумани	38	27.92	10	0	0.00	0
10	Асака тумани	25	30.78	7	2	30.56	4
11	Шаҳрихон тумани	24	24.31	17	0	0.00	0
12	Қўрғонтепа тумани	76	33.88	3	7	35.32	2
13	Жалалқудуқ тумани	50	32.50	4	7	25.40	9
14	Марҳамат тумани	67	24.92	16	3	17.59	12
15	Пахтаобод тумани	74	29.35	8	6	26.85	7
16	Избоскан тумани	105	27.59	11	2	19.44	11
17	Бўз тумани	1	25.00	14	0	0.00	0
18	Хўжаобод тумани	65	30.85	6	0	0.00	0
19	Баликчи тумани	19	23.54	18	1	27.78	6
20	Булоқбоши тумани	37	31.68	5	2	26.39	8
21	Улуғнор тумани	6	22.22	19	1	13.89	13
22	Олтинкўл тумани	48	27.14	12	1	27.78	5

	Шаҳарлар ва туманлар	Француз тили					
		Ўзбек тилида			Рус тилида		
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни	Абитуриентлар сони	Самарадорлик (%)	Ўрни
1	Андижон шаҳри	10	35.00	6	3	45.37	1
2	Асака шаҳри	1	27.78	13	0	0.00	0
3	Шаҳрихон шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
4	Хонабод шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
5	Қорасув шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
6	Охунбобоев шаҳри	0	0.00	0	0	0.00	0
7	Марҳамат шаҳри	8	35.42	5	5	36.11	3
8	Пойтуғ шаҳри	1	55.56	1	1	33.33	4
9	Андижон тумани	19	34.50	7	0	0.00	0
10	Асака тумани	2	27.78	12	0	0.00	0
11	Шаҳрихон тумани	10	31.39	11	0	0.00	0
12	Қўрғонтепа тумани	2	23.61	16	0	0.00	0
13	Жалалқудуқ тумани	12	34.03	8	0	0.00	0
14	Марҳамат тумани	53	31.76	9	3	29.63	5
15	Пахтаобод тумани	2	20.83	17	0	0.00	0
16	Избоскан тумани	22	31.69	10	0	0.00	0
17	Бўз тумани	6	15.74	18	0	0.00	0
18	Хўжаобод тумани	1	38.89	3	0	0.00	0
19	Баликчи тумани	81	23.77	15	1	22.22	6
20	Булоқбоши тумани	62	35.93	4	1	36.11	2
21	Улуғнор тумани	7	41.67	2	0	0.00	0
22	Олтинкўл тумани	14	27.38	14	0	0.00	0

Hozirlik

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАНАДИ

Шу йил октябрь ойининг ўрталарида Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Ўзбек адабиётини ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро конференция ўтказилади. Бу борада конференция ўтказиш ҳайъати ташкил этилди.

Мухбиримиз ҳайъат раисининг муовини, ТошДУ ўзбек филологияси факультетининг декани, адабиётшунос А. Расулов билан суҳбатлашди.

— Абдуғафур ака, ўтказилажак конференциянинг мақсади, зарурияти ҳақида маълумот берсангиз.

— Ҳаёт ҳамиша ўсишда, ўзгаришда. Бинобарин, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқитиладиган фанларнинг долзарб муаммолари тугилиб тураверади. Ўзбек адабиётини олий ўқув юртларида ўқитилишининг муаммолари ҳақида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона университет ва институтларида конференциялар ўтказилган; махсус журналларда, матбуотда мазкур масалага бағишланган мақолалар вақти-вақти, билан чоп эттирилиб турган. Демак, конференция ўтказиш анъанаси мавжуд. Аммо ўтказилажак конференциямизнинг аҳамияти ниҳоятда муҳим. Мустақил республикамизнинг тараққиёти ушбу конференцияни ўтказиш зарурий эҳтиёжга айлантирди. Мустақил Республикамизда маънавият ва маърифат ишларига, комил инсонни тарбиялашга, ғўзалликни нозик ҳис этувчи шахсларни воягa етказишга алоҳида эътибор бериляпти. Бунда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг «Олтин мерос» халқаро жамғармасининг ташкил қилинганлигини, Бадиий академияни таъсис этиш, Иқтидорли ёшлар билан ишлаш «Истеъдод» марказининг тўзилиши, «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти» сингари журналларни чиқаришга киришилганлигини таъкидлаш жоиз. Юртбошимизнинг: «Маънавиятнинг бош ҳомийси — Президент», — деган иборасининг парвози юксак бўлди, ҳар бир инсон, раҳбарни чуқур фикрлашга, ўйлаб иш юритишга ундади.

Бадиий адабиёт, унинг тарихи, назарияси мактабдан тортиб аспирантурада ҳам ўқитилади. Адабиётни ўқитиш олий, ўрта махсус ўқув юртлари дастуридан ўчмас ўрин эгаллаган. Адабиёт ҳам фан, ҳам гўзалликни тарбияловчи асосий воситадир.

— Мактабларда ҳамда махсус ўқув юртларида, университет ва институтларда, дейлик, Навоий, Муқимий, Ойбек, Ғафур Ғулом ҳаёти, ижоди ўрганилган. Ҳозир ҳам ўрганиляпти.. Нима ўзгарди, янгилик қаерда?

— Адабиётшунослик илмида талқин ва баҳолаш деган тушунчалар мавжуд. Тўғрироғи, қадим-кадимдан ҳам ғарбда, ҳам шарқда мазкур масалалар фалсафа, нафосатшуносликнинг назарий асослари ҳисобланган. Ҳозир аксарият талабалар, ҳаттоки баъзи мутахассислар ҳам герменевтика ва аксилогияни билмайди. Бунинг боиси — Шўро адабий сиёсати. Шўро даврида адабиётни ўқитиш сиёсатни англатиш, коммунистик мафкурани онгга сингдириш воситаси бўлиб қолди. Бадиий адабиёт ўқув масканларида сиёсат, мафкурани тарғиб қилиш қуролига айланди. Халқда бир нақл бор: «Чучвара ейишдан мақсад-гўшт ейиш». Шўро даврида «Адабиётни ўқитиш сиёсатга ҳамоҳанг бўлиш, мафкурани англатиш» бўлиб қолди. Сохта мақсадга эришиш учун санъаткорлар Ҳасби Ҳоли бичиб-тўқилди, бадиий асарлар аёвсиз равишда «қайчиланди». Яратганга беадад шукрларки, замон ўзгарди, Республикамиз мустақил тараққиёт йўлига тушди. Демакки, бадиий адабиётни санъат қонуниятлари, гўзаллик ўлчамлари орқали талқин қилиш, баҳолаш имконияти яратилди.

Конференция концепциясини адабиётни ўқитишда янгича талқин, бетакрор баҳолашларни топиш, татбиқ қилиш услублари белгилайди.

—Кўриниб турибдики конференция мазмунан янгича, муаммоларга бой, жиддий баҳсларга сероб бўлади. Шунча муаммо масалаларни икки-уч кунлик конференцияда ҳал қила оладимикан.

— Конференция, аслида, адабиётни ўқитиш муаммолари масаласидаги фикр-мулоҳазаларга якун ясайди, баҳсларнинг ечимини кўрсатади. Яқин кунларда мазкур муаммога бағишланган давра суҳбатини ўтказмоқчимиз. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ахборот» журнали давра суҳбат материалига лутфан 3 босма табоқ ҳажмида жой ажратди. Иккинчидан, апрель ойининг охирида анжуманда қатнашишни истаган мутахассислар ўз маърузаларининг сиқиқ мазмунини 2 саҳифага жойлаб тезис шаклида конференциянинг таҳрир ҳайъатига жўнатишлари жоиз. Биз ўша материаллар асосида «Конференция материаллари» китобини чоп этамиз. Қолаверса, «Маърифат» ҳам ўз саҳифаларида конференцияга оид материаллардан чоп этиб борса айни муддао бўларди. Шунингдек, мамлакатимиздаги барча матбуот воситалари, радио ва телевидение конференцияга оид материалларни чоп этишга, кўрсатиш, эшиттиришга қарши бўлмасалар керак.

— Адабиёт ўқитиш муаммоларига бағишланган конференция халқаро миқёсда ўтади дейилган...

— Маълумки, Марказий Осиёдаги мустақил республикаларда ўзбек адабиёти ўқитиладиган мактаблар бисёр... Хўжанд университети, Қорақалпоқ, Чимкент университети, Ўш педагогика институтида ўзбек филологияси факультети ёки бўлимлари бор. Биз уларга ҳам конференция ҳақидаги маълумотномаларни жўнатдик. Туркия республикасидан конференциямизда иштирок этувчилар топилиши эҳтимолдан холи эмас. Умуман, конференция ишида ўзбек адабиётини ўқитиш, тарғиб қилиш, тадқиқ этиш билан шуғулланаётган барча мутахассислар иштирок этиши мумкин.

Конференция ўтказиш ғоясини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хусусан, вазиримиз маъқулладилар. Тошкент Давлат университети, маълумки, университетларда ўқитиладиган 22 фан, жумладан, ўзбек тили ва адабиётидан ҳам, базавий, таянч марказ ҳисобланади. Аммо

Rasmiy bo'lim

ИНШО МАВЗУЛАРИ

9-синфда «Ўзбек адабиёти» бўйича битириш имтиҳонлари иншо шаклида ўтказилади. Иншо ўқувчининг мустақил ва ижодий фикрлаши, ёзма нутқ малакаси қай даражада эканлигини кўрсатувчи ёзма иш туридир. Битириш имтиҳонларига мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти ва эркин мавзуларда иншо ёзиш учун мавзулар тавсия этилди. Мазкур имтиҳон амалдаги тартибда ўтказилади. Иншо ўтказиш учун тўрт академик соат ажратилади. Имтиҳон бошланиши олдидан тавсия этилган адабий, адабий ижодий ва эркин мавзулардан (адабий мавзу — битта, адабий ижодий мавзу — битта, эркин мавзу — иккита) ўқувчилар ишларини танлаб, битириш имтиҳони иншо мавзулари шакллантирилади ва ёзув тахтасига ёзилади.

Ўқувчилар ўзлари танлаган битта мавзу юзасидан фикр-мулоҳаза юритиб иншо ёзадилар. Имтиҳон олувчи ўқитувчи имтиҳон топширувчиларга иншо ёзиш бўйича йўлланма берар экан, иншо мавзусини ёритишда давр нафаси диққат марказида тутилиши, шунингдек, миллий қадриятлар, она-Ватанга муҳаббат, маънавий баркамоллик борасидаги фикр-мулоҳазалар ўрнига қараб иншо мавзусига сингдириб юборилиши кераклигини алоҳида таъкидлаши зарур.

Иншо одатдаги меъёрлар асосида баҳоланади.

I. МУМТОЗ АДАБИЁТ БЎЙИЧА

1. Маданий меросимиз — бебаҳо хазина («Қутадғу билиг» асосида).
2. Алпомиш ва Кўкалдош тимсолларига тавсиф.
3. Тўмарис—оқила, мард ва ватанпарвар аёл.
4. Атоий ғазалларида ишқ-муҳаббат мадҳи.
5. Лутфий—туркий халқлар «Малик ул-калом»и.
6. Фузулий—ғазалнавис шоир.
7. Алишер Навоий — буюк мутафаккир ва давлат арбоби.
8. Навоий лирикасида маънавият дурдоналари.
9. «Фарҳод ва Ширин»да илм-ҳунар ва муҳаббат ғояларининг куйланиши.
10. Бобур лирикасида она диёр ҳижрони талқини.
11. «Бобурнома» — ўзбек насрининг етук намунаси.
12. Машраб лирикасида ишқ-муҳаббат ва айрилиқ оҳанглари.
13. Нодира ижодида вафо ва садоқат туйғулари.
14. «Зарбулмасал» — мумтоз адабиётнинг ноёб намунаси.
15. Муқимий ғазалларида табиат тасвири.

II. XX АСР АДАБИЁТИ

1. Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарида маърифат ғоялари.
2. «Туркий Гулистон ёҳуд аҳлоқ» — таълимий-маърифий асар.
3. Кумушбиби ва Зайнаб тимсолларига тавсиф. (А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида).
4. Зеби тимсолида шарқона гўзаллик, самимийлик ва истеъдод ифодаси (Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи асосида).
5. Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт» драмасида ишқ фожеаси.
6. А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги Отабек тимсолида ўзбек зиёлилари қиёфасининг акс этиши.
7. Йўлчи ҳақидаги ўйларим (Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи асосида).
8. Зайнаб ва Анор хола ҳақидаги мулоҳазаларим (Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достони асосида).
9. Абдулла Қаҳҳор — сўз устаси («Синчалак» қиссаси асосида).
10. Улуғбек — илм-маърифат ҳомийси. (О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи асосида).
11. «Юлдузли тунлар» романининг тарихий-бадиий қиммати.
12. Э. Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достонида озодлик ва эркинлик ғоялари.
13. Олижаноб фазилатлар — инсон ҳусни. (А. Ориповнинг «Жаннатга йўл» достони асосида).
14. Миллий қадриятларни эъзозлаш — авлодлар бурчи. (Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романи асосида).
15. Замонавий ўзбек шеъриятида истиқлол оҳанглари.

III. ЭРКИН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА

1. Она тилимда битилган сеҳрли сатрлар (Замонавий наср ва назм намуналари асосида).
2. Ватанга жон фидо этганлар.
3. Истиқлол одимлари шоир ва ёзувчилар мадҳида.
4. Бахтимиз қомуси — фаровонлик гарови.
5. Ҳурлик муборак, она Ватаним.
6. Мени шайдо этган асар (Шеърий, насрий, драматик ёки саҳна асарлари асосида).
7. Соҳибқирон Амир Темур—адолат ҳомийси.
8. Ватан — саждагоҳим менинг.
9. Ўтмишсиз келажак йўқ (Тикланаётган миллий қадриятларимиз асосида).
10. Амир Темур — маҳоратли енгилмас саркарда.
11. Ҳикматлар — поклик ва ҳалоллик манбаи. (Аҳмад Яссавий ҳикматлари, шунингдек бошқа ўзбек мутафаккирларининг асарлари асосида).
12. Алломаларимиз фазилатлари — биз учун ўрнак (Ибн Сино, Беруний, Форобий, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк сиймолар мисолида).
13. Маънавияти баркамол ёшлар — ҳур диёримиз ворислари.
14. Авлодлар хотираси — муқаддас.
15. «Оламни маҳлиё айлаган диёр».

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ.

Taraddud

ИМТИҲОН ПАЛЛАСИ ЯҚИН

Илм масканларида ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш жараёнига, шу билан бирга 9-, 11(12)-синфлар ўқувчиларининг якуний аттестациясида топширилиши мажбурий булган фанлар бўйича битириш имтиҳонларига тайёргарлик қай тарзда олиб борилаяпти. Ўғил — қизларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан-синфга кўчириш тартиблари тўғрисидаги йўриқномага асосан жойларда қандай ишлар амалга оширилаяпти. Шулар хусусида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани халқ таълими бўлими мудири муовини Исроил Мирзабоев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— «Маърифат» газетасининг 5-март сонида эълон қилинган янги таҳрирдаги ҳужжат мактаб раҳбарлари йиғилишида ишлаб чиқилди. Юзага келиши мумкин булган масалалар юзасидан фикрлашиб олинди ва тавсиялар берилди. Халқ таълими вазирлигининг буйруғига кўра барча турдаги умумтаълим мактабларининг 5-8 ва 11(12)-синфларида синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ўтказилмайдиган бўлди. Бу ўқувчиларнинг якуний баҳоси ярим йиллик ва йиллик баҳосига асосланиб қўйилади. Айни пайтда туманимиз фан ўқувчилари бунга ижодий ёндашиши, яъни ўқувчиларни якуний тест синовларидан ўтказишлари кўзда тутилган. Масалан, ўқитувчи 10-синфлар учун тест саволларини тузишда Давлат тест марказининг «Ахборотнома»ларидан фойдаланадилар.

Бундан ташқари, айрим фанлар чуқурлаштириб ўргатиладиган мактабларда, синфларда бир ёки икки махсус фандан қўшимча имтиҳонлар киритилди. Айтиш жоизки, 91-мактабда инглиз тили фани бўйича имтиҳон материаллари ўқитувчилар томонидан тузилиб, методбирлашма муҳокамасига тақдим этилди.

Битирувчи ҳисобланмиш 9-, 11-синфлар имтиҳонларига ҳам жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Математика, физика фанлари бўйича имтиҳон материаллари ҳозирланди. Битирувчилар оғзаки имтиҳонларни кўп вариантли тест-синов топшириқларини замонавий компьютерларда топширадилар. Ноқулай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун мутахассислар ҳозирданоқ компьютерларни яна бир бор кўздан кечиришяпти.

Янги таҳрирдаги ҳужжатнинг «Ўқувчиларни битириш имтиҳонларидан озод этиш» боби бўйича ота-оналар томонидан кўплаб мурожаатлар булаяпти. Ушбу бобнинг 4.2. бандида «Ўқувчилар яшаш жойининг ўзгариши (Республикадан ташқарига чиқиш) муносабати билан шу ҳолатни тасдиқловчи расмий ҳужжатларга асосан битириш имтиҳонларини мудлатидан илгари топшириши мумкин» дейилган. Биз уларга бу банд вақтинчалик кўчаётганларга эмас, балки доимий яшашга кетаётганлар учун тааллуқли эканлигини тушунтираяпмиз... Хуллас, имтиҳон мавсуми тобора яқинлашмоқда. Биз унга ҳар томонлама тайёргарлик кураяпмиз.

Қ. МАТКУРБОНОВ суҳбатлашди.

Ko'rik-tanlov

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН БЕЛЛАШУВ

Ҳозирги вақтда ўрта умумий таълим мактабларида шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ўқувчиларга чуқур билим бериш, математикага иқтидори баланд ёшларни топиш, танлаш, ўқувчиларнинг математикага қизиқишини ошириш мақсадида Хоразм вилоятида анъанавий математик беллашувлар 3 босқичда ўтказилиб келинмоқда. Математик беллашувда математика олимпиадасидан фарқли ўлароқ тақдим қилинадиган савол, мисол, масала ва тестларни ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлайдилар.

Ҳар бир иштирокчи ўзининг рақибига ўзи тайёрлаган тестни тақдим этади. Математик беллашувга тайёрланиш йил давомида олиб борилади ва ахборотнома журнали, тестлар, мисол ва масалалар тўплами ва бошқа қўлланмалардан, дарсликлардан фойдаланилади.

Яқинда ана шундай беллашувлардан бири Урганч давлат университети, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогика ходимлари малакасини ошириш институти, тест маркази вилоят вакиллиги, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди. Ушбу анжуманда 180 дан ортиқ 9, 10, 11-синф ўқувчилари қатнашдилар. Хазорасп туманидаги 1-лицей ўқувчилари К. Матёқубова, Б. Анязов, М. Юсуповлар беллашувда юқори натижаларга эришдилар. Ғолиб гуруҳлар қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар.

С. САЪДУЛЛАЕВ, Хоразм вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти бўлим бошлиғи.

МАКТАБНИНГ ТЕГИРМОНИ БОР

Амударё туманидаги Алишер Навоий номли ўрта мактаб директори Ҳайитбой Матсапоев тадбиркорлик — кони бойлик эканини ўз иш фаолиятида исботлади. Унинг ташаббуси билан ўтган йили оталиқ ташкилоти — «Қипчоқ» жамоа хўжалиги томонидан мактаб ихтиёрига берилган 1 гектар ерга шоли экилиб, 2 тоннадан зиёд ҳосил олинди. Мактаб атрофидаги 30 сотих ерга ҳам шоли экилди. Деҳқончилик мактабга анча даромад келтирди. Ушбу маблағ мактаб биносини таъмирлашга, зарур буюмларни сотиб олишга ва бошқа эҳтиёжлар учун ишлатилмоқда. Жумладан, уруш фахрийлари билан мактабда учрашув кечаси ўтказилиб, уларга ош дамланди ва эсдалик совғалари топширилди. Мактабнинг иситиш тизими учун ниҳоятда зарур бўлган электродвигатель 12 минг сўмга сотиб олинди.

Энг муҳими, яқинда мактабда ун тегирмони ишга туширилди. Бу ишга яхши мутахассис Ортиқбой Усенов бош-қош бўлаётир. Мактаб атрофидаги хонадонлар буғдой ва жўхориларини ушбу тегирмонга келтира бошладилар. Хизмат ҳаки анча арзон қилиб белгилангани боис мижозлар сони кун сайин кўпаймоқда.

Мактаб директори энди шоли тегирмони қуриш учун елиб- югураяпти. Зеро, донишмандларимиз ҳаракатга баракат ёғилади, деб бежиз айтмаганлар.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

Билимдон, меҳнатсевар ўқитувчилар ҳамма ерда ҳам ҳурматга, иззатга сазовор. Булунғур туманидаги 54-ўрта мактабнинг олий тоифали муаллимаси Санобар Мадраимова ҳамкасблари, шогирдлари ўртасида ана шундай чин устозлик фазилатларига эга бўлганлиги боис қадр-қиммат топган.

СУРАТДА: С. Мадраимова 4-синф ўқувчиларига математикадан сабоқ бермоқда.

Т. ДАВЛАТОВ олган сурат.

Kitob javoningizga

МАРКЕТИНГ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ касб-ҳунар таълими йўналишини ўзгартириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қароридан кейинги икки йил ичида бозор иқтисодиёти асосларини ёш авлодга ўқитишни йўлга қўйиш бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан кўплаб касб-ҳунар лицейлари бизнес мактаблари ташкил этилди. Мазкур ўқув юртларини ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳозирги кунда вазирликнинг диққат эътиборида турибди. Шу муносабат билан («Маркетинг» — «Бозоршунослик») фанидан ўзбек тилида биринчи ўқув қўлланмаси яратилиб «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди.

Мазкур ўқув-қўлланмада кўпроқ истеъмол товарлари ва хизматлар маркетинги асосларига эътибор берилган. Ҳақиқатан ҳам бозорлар ичида «Истеъмол товарлари ва хизматлар бозори» бош бозор бўлиб, у ҳар қандай мамлакат, минтақа ва қолаверса жаҳон иқтисодиётининг кўзгуси ҳисобланади. Чунки мол бозори инсон учун, унинг эҳтиёжи ва талабини қондириш мақсадида ташкил этилади. Қолган «Ишлаб чиқариш воситалари», «Меҳнат», «Қимматбаҳо қоғозлар» ва бошқа бозорлар ҳаммаси шу истеъмол товарлари ва хизматлар бозоридаги талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш мақсадида уюштирилади.

Муаллифлар — иқтисод фанлари доктори, профессор, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти «Маркетинг» кафедрасининг мудири Аҳмаджон Солиев ва тадбиркор Абдумалик Усмоновлар мазкур қўлланмани ёзишда кўплаб маркетингга оид китоблардан фойдаланиш билан бирга, ўзларининг АҚШ ва Олмонияга бир неча бор қилган илмий сафарларидан олган таассуротларини ҳамда кўп йиллик савдо-бозор соҳасини тадқиқ этиш бўйича тўпланган илмий-услубий тажрибаларини ҳам ёритишга интилганлар.

Қўлланма «Маркетинг» фанининг назарий асослари, маркетинг мажмуи бозорни ўрганиш ва унинг истиқболини аниқлаш, маркетингни ташкил этиш ва бошқариш бўлимларидан иборат.

Умуман, илк бор ёзилган ушбу қўлланма — «Бозоршунослик» фани ўқитувчилари, ўқувчилар ва амалиётдаги тадбиркорлар учун энг зарур маслаҳатчи вазифасини бажаради.

С. АЛИЕВ, Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи

Журналист тайёрлаш ҳақида ўйлар

Олий мажлиснинг кеча ўтган саккизинчи сессиясида ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳамда журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Президенти ўз матбуотимиз билан бирга дунё матбуоти муаммоларига эътиборни қаратди. Қуйида журналист кадрлар тайёрлаш бўйича фикр ва мулоҳазаларни эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Кўрган ва билганлар хориж журналистикасининг ўзимизга мос келадиган жиҳатларини ёзадилар, фикрларини биддирадилар деган умиддамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

Журналистика ҳамиша Сўз билан ифодалаш, Сўздан фикр ясаш, Сўзни тугал тушунча тарзида вужудга келтириш санъати бўлиб келган. Унга қўйилаётган бугунги талаб ҳам тафаккур-сўз-тушунча орқали онгни йўналтириб, дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

Бугунги журналист сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий, ижтимоий тизимни ислоҳ қилишда фаол. У қайси давлатда, қай аҳволда бўлмасин жамият тараққиёти учун илғор, прогрессив тушунчани олиб киради, муҳим ғоявий қурол бўлиб қолади. Юртбошимиз ўтган йили 26 декабрда Дипломатия корпуси раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда **«... матбуотни, оммавий ахброт воситаларини демократиялаш, шу муносабат билан республикада ижтимоий ҳаётнинг бу муҳим соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарадиган чора-тадбирларни амалга ошириш»** лозимлигини таъкидлаган эди.

Фан сифатида журналистика ўз тараққиёт йўлига эга. Бугунга келиб унга «тўртинчи ҳокимият» ваколатининг берилиши эса бу соҳани янада такомиллаштиришни талаб этади. Бу борада асосан кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор зарур. Уларни шу мартабага лойиқ қилиб ўқитиш, тарбиялаш эса махсус ўқув юрти — факультетда амалга оширилади. Президентимиз журналистлар учун қайта тайёрлаш маркази тузиш муаммосини бежиз уқтирмаганди. Бу ҳаёт талаби, эҳтиёжи эди.

Хўш, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети журналистика факультетида кадрлар тайёрлаш масаласи замон талаби даражасидами? Журналист-кадрлар тайёрлашга факультет миқёсида назар ташласак, мамлакат учун уларни етказиб бериш илмий асосда ўрганилиб, нани тарғиб-ташвиқ қилувчи — Сўз ва Тушунча ижодкори, кучғайрат сифатида намоён бўлган илғор мафкурачи. Демак, журналистнинг узини тайёрлаш восита ва омиллари қай аҳволда деган савол туғилади. Факультетда техник воситалар — ўз ўқув телестудияси, радиохонаси, видеоашаратлар, ўқув-нашрлик редакцияси, автомашинаси, фотолабораторияси ва бошқалар бўлиши шартлиги ва оқибатда эса талабанинг ахборот олиши, мусобақа уюштириш, таҳлилий ҳамда қиёсий мақолалар ёзишига бир мунча имкон яратилади. Унинг кутубхонасида жаҳоннинг энг нуфузли нашрларидан намуналар бўлиши лозим. Зеро, кутубхона — ижодкорнинг асл манбаи, маърифий маркази бўлмоғи керак.

Журналист тайёрлаш мураккаб жараён. Оддий сўз ва сўзлар йиғиндисидан ахборот, мақола, репортаж, суҳбатлар уюштириши ва муаммоли фелъетонлар тайёрлаб, ўқувчига етказиши лозим. Бу борада домлаларнинг назарий-илмий маърузалари бениҳоя зарур, бироқ ўқув режасида амалий машғулотларга кам соатлар ажратилган. Шу уринда мен режани қайтадан кўриб чиқиб, амалий машғулотлар учун соат юкламаларини 60-65 фоизга етказишни таклиф қилган бўлар эдим. Деярли барча ахборот воситалари таҳририятларида кафедралар филиаллари ташкил қилиниб, бўлажак журналистлар фаолияти (барча курслар учун) шу даргоҳларда узвий тажрибали журналист-устозлари ҳомийлигида ўтиши айни муддаодир. Таҳририят бўлими муҳити ва режаси билан «думбул» талаба танишсин: мақола қандай тайёрланади, таҳрир жараёни қандай кечади, мухбир қандай вазифа билан шуғулланади, оддий ходимдан то бош муҳарриргача бўлган жараённи у билиши ва эртасига эълон қилинган ҳар бир мақоланинг таъсир кучини ҳис эта билиши керак.

Борига барака, дейди доно халқимиз. Ҳозирги пайтда талабалар ўз мақолаларини газета-журналларда, ТВ, радиода эълон қилиш, муаммолар кўтариши тўғрисида деканат ҳар курс, гуруҳ учун алоҳида назорат дафтари тутиши шарт. Сиртқи бўлими талабаларининг эса ойда, ҳар чоракда ўз ижодлари ҳақида ҳисобот беришлари уларни фаоллаштиради.

Иккинчиси , касб маҳоратини эгаллаш соҳасида нималар қилиш керак? Энг аввало, юқорида айтганимдек, таҳлил ишларини кундалик фаолиятга айлантириш, ҳар бир ёзилган, ёзилажак ва эълон қилинган мақола, репортажларни доимий тарзда таҳлил этиб бериш сўзсиз талаба касб маҳоратини ошира бориб, уни фикрлашга, тушунчаларини бир мақсадга қаратишга ўргатади. Факультетнинг ҳар ҳафтада нашр қилинадиган ўз ўқув-тажриба газетаси ҳам бугуннинг талаби.

Журналистиканинг 150 га яқин соҳаси борлигини биламиз. Ҳеч бўлмаганда, энг фаол ҳисобланган 20-30 йўналиш-соҳаси бўйича касб журналистикасини эгаллаш мамлакатимиз талаб-манфаатидан келиб чиқиб, Беш йиллик таҳсил мобайнида талаба журналист барча соҳа-йўналишларини умумий узлаштирган ҳолда, асосан IV курсда касб журналистикасини эгаллаб, таҳририятлар, ТВ, радио, нашриёт ва агентликларга малакали, шаклланган, ижодий тайёр кадр сифатида бориши керак. Бундай ёндошиш жаҳон мезонидан келиб чиқади. Жумладан — Америкада, Германияда, Японияда, Ҳиндистонда, Москва Давлат университети журналистика факультетида касб журналистикаси — ихтисослашиш яхши йўлга қўйилган.

Президентлик Девонининг Ахборот Маркази беш йўналишдан иборат бўлиб, жамият тараққиёти учун бўлган мафкуравий зарурияти нинг барча соҳаларини қамраб олган. Менимча факультет талабаларини ҳам ана шу йўналишлар — сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ҳалқаро ва таҳлилий-статистика бўйича тақсим қилиб (III, IV ва V курслар талабаларини) тарбия-таълим берсак, бугунги ўтиш даври, демократик жамият қурилиши талабларига жавоб берган бўламиз. Бундай ишлар таҳририятлар, ТВ, радиода, нашриётлар ва, умуман, зарурлигига қараб ижодий муассасаларда амалга оширилмоқда.

Факультет — мамлакатимизда журналистларни тайёрлашнинг бош илмгоҳи. Баъзи университетларимиз — Наманган, Андижон, Самарқанд ва Нукусда журналистика бўлими мавжуд бўлиб, уларни ўқув-услубий адабиётлар билан таъминлаш факультет профессор-ўқитувчилари чекига тушган. Бундай шарафли факультет ўқув-услубий кенгаши аъзолари бажариш билан бирга, улар учун таянч ва маслаҳат марказига ҳам айланганлиги табиий ҳол. Тўғри, у олий ўқув юртларида техникавий база деярли йўқ, бироқ маҳаллий журналистикага бўлган эҳтиёж-талабни ҳам ҳисобга олиш керакку!?

Учинчиси, Узбекистон журналистикаси илмий-тадқиқот фаолияти жиҳатидан орқада қолмоқда, Собиқ Иттифоқ даврида илмий салоҳиятни асосан Москва, Ленинград таъминлар, фан номзодлари, фан докторлари ўша шаҳарларда тайёрланар эди. Фан бир жойда депсиндими, демак унинг ҳалокатга учраши аниқ. Журналистикада, миллий ўзбек журналистикасида илмий изланишлар, айниқса, мустақиллик йиллари жадаллаша бошлади. Боиси журналистика тарихи, филологияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммолари хусусида ечимини кутаётган масалалар шунчалик бисёрки, уларни умумлаштириб, жамият тараққиёти учун хулосалар, йўл-йўриқлар бериш жуда зарур. Мисол учун халқаро журналистика кафедрасида номзодлик илмий даражасини олиш учун 2 — 3 диссертация аллақачон тайёр. Ҳимоя қилиш учун Ихтисослашган кенгаш йўқ. Ваҳоланки, ҳар бир давлатда ўз миллий фанлари — тарихи, адабиёти, тили, айниқса, журналистикаси ривож топса, ўша давлатнинг ойдин йўли, истиқболига маънавий ёрдам бўлиши шак-шубҳасиз. Бу асосан фундаментал тадқиқотлар — диссертация, илмий-назарий мақолалар, конференция ва анжуманларда ўз ечимини топади.

Факультет қошида Ихтисослашган кенгашни икки соҳа: журналистика тарихи ва журналистика филологияси бўйича ташкил қилиб, ҳозиргача тайёр бўлган 20 — 25 номзодлик, иккита докторлик диссертацияларини ҳимояга олиб чиқиш мумкин. Бундай эҳтиёжнинг етилганлигини етук олимларимиз — тарихчи, филолог, сиёсатшунос, файласуф ва иқтисодчилар яхши билишади.

Халқаро журналистика кафедраси сайъи-ҳаракати туфайли шу номда бўлим очилди. Бу ўқув йилида қалдирғоч битирувчиларнинг борлиги қувонарли ҳол. Жаҳонга юз тутаяпмиз. Журналистларимиз жаҳон мавзусини Узбекистонга олиб киради, Узбекистонни жаҳонга танитади. Мен бу уринда касб журналистикаси нуқтаи-назаридан фикр юритяпман. Ҳозир УзА, «Жаҳон» агентликлари бу соҳада ниҳоятда катта ташкилий-ижодий ишларни амалга оширмоқдалар. Жаҳон мавзуи оммавий ахборот воситаларининг барча соҳаларида мунтазам ёритиб борилмоқда. Маҳаллий журналистлар, турист-саёҳатчилар, соҳалар мутахассислари, тарихчи-сиёсатшунос олимлар жаҳон мавзусига тез-тез мурожаат қилмоқдалар. Чунончи, соҳибқирон Амир Темур ва З. М. Бобурларнинг тарихий қадамжолари бўйлаб, Буюк ипак йули ва бошқа унга яқин Халқаро экспедицияларининг катта ташкилотчилик-маърифий ишлари ҳам савобли, буюк зотларнинг руҳлари шод бўлмоқда, ҳам таҳсинга лойиқ.

Бўлимда таълим-тарбия ривожланган мамлакатлар режалари асосида олиб борилмоқда. Шунинг учун ўқув-ўқитиш жадвали ранго-ранг. 80 га яқин халқаро журналистлар тайёрланмоқда. Камина ҳам шу бўлимда маърузалар олиб боради. Талабаларнинг интилишлари, деярли ҳафтада етакчи марказий газеталар, ТВ ва радиода чиқишларини ўқиб, кўриб, эшитиб қувонаман. Яқинда IV курсда уч талаба Ҳиндистон сафаридан қайтди, шу курсда яна учта талаба беш ойлик таълим олиш, ўз тажрибасини мукаммаллаштириш учун ана шу афсонавий мамлакатга жўнаб кетди. Талабаларнинг хорижий давлатларга бориб ўқиб қайтиши, катта туртки, касб малакасини эгаллашда муҳим қадам, салоҳияти юксалиши учун зарурий омил бўлиб қолади.

Талантларни имкони борича марказий газета-журналларга нашриётларга, агентликларга, радиотелевиденияга жойлаштиришга эришиш лозим. Бундай савобли ишларни амалга оширишда факультет жамоаси, деканат ташкилотчилик ролини бажариши ва доимо улар билан алоқада бўлиши керак.

Каримжон НОРМАТОВ, тарих фанлари доктори, профессор.

Taklif va mulohaza

ЮЛДУЗЛАР ОЛАМИГА ЙЎЛ

3. КОИНОТ «ДЎСТЛАРИ» ВА «ДУШМАНЛАРИ» КИМ?

Космосга чиққанимиздан кейин Ер юзида ўрганиб қолган тасаввурларимиз ниҳоятда ўзгариб кетади. Барча ҳодисалар ўзгача бўлаётгандай туюлади. Ер ва осмоннинг кўринишлари, кун ва тун узунликлари, ҳарорат ва босимлар, юкланиш ва вазнсизлик бутунлай бошқача бўлади. Ақл бовар қилмайдиган тезлик ва масофалар космосда бизни ҳайратга ва қўрқувга туширади. Масалан, Венера атмосферасининг оптик хусусиятлари шундайки, кузатувчига ўзини орт томондан кўриш имконини беради.

Космик кемалар ва уларни космосга элтувчи ракеталар яралиши билан космонавтларнинг мактаблари пайдо бўлди. Космос ҳали биз учун дўст эмас, у ердаги кўп ҳодисалар бизга қарши... Ҳар бир космонавт уларга дуч келиб, улар билан курашади.

Атмосферасиз Ерда ҳаёт бўлишини ва давом этишини тасаввур қилиш қийин, ундаги кислород ҳар қандай мавжудотнинг яшаши учун муҳим. Атмосфера Ерни гўёки «улкан термос» каби ўраб олган, энергияни Ер юзига ўтказади ва Ердан ташқарига чиқармайди. Атмосферасиз товушлар бўлмаса, гапириш ва эшитишдан, Қуёшнинг чиройли чиқиш ва ботишидан маҳрум бўлардик. Атмосферасиз Ернинг ҳарорат режими бутунлай бошқача бўларди: Ернинг Қуёш нури тушиб турган томонида целсий шкаласи бўйича 100 даража иссиқ, қоронғу томонида 160 даража совуқ бўлади. Эсланг, Қуёш фотосферасида 6 минг даража иссиқ, доғлари бор жойда эса ундан 2 минг даража камдир.

Атмосфера космик кемаларнинг космосга учиб чиқишига халақит беради, Ерга қайтишида ҳам машаққатлар туғдиради.

Ҳароратига қараб атмосфера шартли равишда тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера ва экосферага бўлинади. Электрик характеристикаларига қараб атмосфера нейтросфера ва ионосферага бўлинади. (~60 км баландликкача нейтросфера, ундан баландда ионосфера жойлашган). Ионосфера эркин зарядланган заррачалар (электрон ва ионлар/дан иборат.

Ер шари ўзининг экваториал текислиги атрофида ички ва ташқи радиоация «белбоғ»лари билан ўралган. Улар Ер магнит майдони тузоғига илинган зарядланган зарралардан ташкил топган. Ички «белбоғ» 500÷1500 км баландликдан бошланиб то тақрибан 10 минг км гача чўзилган бўлиб, юқори энергияли протонлар ва электронлар билан тўлган. Ташқи «белбоғ» ~10 ⁴ км баландликдан 50 минг км гача чўзилган.

Космик кемалар (КК) шу «белбоғ»лардан ўтганида унинг протон ва электронлари КК қобиғига урилганда энергиясининг бир қисмини йўқотади ва КК ичига кучсизланиб киради. Ички «белбоғ»даги протон урилишидан КК қобиғида мураккаб ядро реакциялари ҳосил бўлиб, нейтронлар ва гамма нурлари ажралиб чиқади, космонавтнинг нурланишига қўшимча бўлади. Ташқи «белбоғ»даги юқори энергияли электронларнинг КК қобиғига урилиши жуда хавфли, чунки ундан рентген нурланиши юзага келиб, космонавтлар соғлиғига хавф туғдиради. Шу сабабли ҳам сунъий йўлдошларни ва КК ларни шу «белбоғ»лардан пастда учиришга ҳаракат қилишади.

Янги тасаввур бўйича Галактикалар юлдузлар ва уларнинг сайёралари космик нурлардан ташкил топган. Галактика космик нурлари (ГКН) катта тезликка эга бўлган зарядланган заррачалар (протонлар, ҳар хил элементлар ядролари, электронлар) оқимларидан иборат. Космик нурлардаги баъзи зарраларнинг энергияси ~10 ²⁰ ЭВ га етади. Ер шароитида бундай юқори энергияли зарраларни олиш қийин.

Галактикамиздаги космик нур-лар асосан жуда янги юлдузлар портлашидан ҳосил бўлади. Қуёш хромосферасидаги жараёнлардан ҳам космик нурлар ҳосил бўлади. Ер юзига бирламчи космик нурлар деярли етиб келолмайди, чунки ular атмосферанинг зарраларига урилиб, энергиясини йўқотади. Ҳатто баланд тоғ чўққиларида ҳам космик нурлар интенсивлиги кам, уларни организмга бўлган ионлаштириш таъсири кичик (суткада ~0,01 бэр). Очиқ космик фазода космик нурлардан суткада олинадиган радиация (~0,2 бэр). Бу анча кам, лекин учиш муддати узоқ бўлганда бу ҳам хавфли. Масалан, Марсга юборилади-ган экспедиция 3 йил юради космонавт оладиган нурланиш тақрибан 219 бэрдир, яъни космик нурлардан ҳимоя кучайтирилмаса бўлмайди)

Бундан шундай хулосага келиш мумкин:

1/Радиация «белбоғ»ларидан пастдаги учишларда ва қуёшда портлашлар бўлмаган пайтда космонавт ҳаётига хавф туғилмайди. Масалан, «Салют — 6» орбитал станциясида 175 сутка яшаган космонавтлар В.А. Ляхов ва В.В. Рюминларнинг олган радиацияси 7 бэрдан ошмаган.

2/Радиация «белбоғ»ларидан юқорида узоқ учиши керак бўлган космонавтлар космик нурлардан ва Қуёш қаъридаги портлашлардан тарқалган нурлардан ҳимоя қилинишига тўғри келади.

КК Қуёш системасидаги ҳаракатида метеор жисмлар билан ҳам дуч келиши мумкин. Метеор жисмлар тошли, темирли, темир-тошли бўлади. Улар қадимдаги сайёраларнинг бўлаклари бўлса керак. Уларнинг таъсирлари катта, кўпчилиги кичик заррачадек бўлади. Қуёш нурини кам миқдорда қайтаргани учун метеор жисмларни кўриш, кузатиш қийин. Метеор жисмлар эллиптик орбиталар бўйлаб Қуёш айланиши билан бир хил айланади. Метеор жисмлар танҳо ёки гала бўлиб учиб юришади.

Ер метеор галасини кесиб ўтаётганида метеорлар унинг атмосферасига кириб, ҳаво қаршилилига дуч келиб, қизиб кетади. Бўлиниб, майдаланиб Ерга етиб келолмайди, метеор жисмнинг кинетик энергияси йўлида учраган газларни қиздиради ва фазода нурланувчи из қолдиради («юлдуз тушди» — сўнди» деганлари шу). Метеорларнинг атмосферадаги нурлаши 50÷130 км баландликда содир бўлади. Уларнинг энг катталаригина Ер юзигача етиб келади. Метеор жисм КК га урилганда унинг қисмларини ишдан чиқариши, ёнгинга сабаб бўлиши мумкин. Космик кема микрометеорлар билан тўқнашганида унинг сирти ишдан чиқади, оптик хусусиятлари бузилади. Космик кеманинг сирти қанча катта, учиш вақти қанча узоқ бўлса, унинг метеор жисмлар билан учрашув эҳтимоллиги ортади. 1963 йилда «Марс—1» Совет космик кемаси Ердан 20 млн. км. масофада метеор галасига дуч келган. Американинг «Маринер — 4» космик кемаси эса икки марта метеор галаларига дуч келган; биринчи гал учраганида (1967 йил сентябри) 7 минут давомида 17 та зарба бўлган, иккинчисида (уч ойдан кейин) зур метеор галасининг ичида бир неча сутка қолиб кетган ва юздан ортиқ зарба бўлиб, космик кема билан алоқа узилган.

Микрометеорлар урилганда тешиб ўтолмаслиги учун космик кема қобиғи кўп қаватли бўлиши лозим. Сиртқи қаватларни тешиб ўтганида ҳам микрометеорит энергиясини қисман йўқотиб, яна майдаланиб кетади ва кучсизланади, кейинги қаватларни тешиб ўтолмайди. Тешиб ўтган тақдирда ҳам космик кема ёпиқлигини бирдан бузолмайди. Масалан, «Салют» орбитал станциясида 2 мм² ли тешик ҳосил бўлса, ундаги ҳаво запаси бир суткага 6мм² бўлса, 9 соатга етади, 40 мм² бўлса космонавтларни кислород маскаси ёки скафандр кийишга мажбур қилади ва бир соатча муҳлат қолади... Шунинг учун космик кема қобиғидаги тешикни аниқлайдиган ва ёпадиган ускуна ва материаллар керак бўлади.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ.

(Давоми бор.)

O'qituvchilarga yordam

Xullas...

ЮГУРГАННИКИМАС, БУЮРГАННИКИ,

деган мақолни воронежлик Коля ҳам яна бир карра тасдиқлади. У ўша куни ичкиликдан бир амаллаб чегириб қолган жиндек жамғармасини чўнтакка солиб бир янги кўйлак кўйида чайқов бозорига отланганди. Ногоҳ катта йўл ёқасида ётган беш минглик рублга кўзи тушди. Йўлақда одамлар серқатновлигидан ҳалиги топилдиқни ердан олиб чўнтакка солишга анча пайт ботинолмай турди. Шу орада беш минглик рубль йўловчилардан бирининг оёқлари остида қолди ва... кўздан йўқолди. Коля алам ўтида қоврилиб, топилдиқни ўзига ёпиштирган бахайбат кирза этикдан кўзини узмай ўша йўловчига эргашди. Ниҳоят, рубл ифлос товондан узилиб ерга тушди. Аммо бу сафар Коля вақтни бой бермай дарров топилдиқни қўлга олди ва... ўзини юра бошлаган электр поезд ичида кўрди. Коля ўлжа кетидан қаергача келиб қолганини англади, бироқ энг яқин бекатда тушиб қоламан-ку, деган умидда ўриндиқларнинг бирига хурсанд кайфиятда ўтирди. Шу пайт тепасида кондуктор пайдо бўлди. Коля минг қўйли бойлардек керилиб сўради: «Энг яқин бекатгача неча пул?» — «Етти минг рубл», — бамайлихотир жавоб берди кондуктор.

ЯЙЛОВДА САЙЛОВ

Конимехлик чўпон сурувни боқиб юриш учун ўша атрофдагилардан бир «овчарка» наслли ит сотиб олганди. Бироқ отардаги қўйлар уни кўриб ҳуркиб қочишадиган, бир ерга йиғилиб ўтламай туришадиган бўлиб қолди. Чўпон минг бир таажжубда янги қўппакни кўшни яйловдаги бир ошнасининг асл қўйбоқар итига алмаштириб келди. Бугал сурув яйраб-яйраб яйловга ёйилди. Кейинчалик маълум бўлдики, ўша «овчарка»нинг томирларида бир тиниб-тинчимас бури бобонинг ҳам қони бор экан.

«УЯЛСАНГИЗ, БУРУН ТОРТМАНГ»

Тумовчилик пайтлари бурун қўрғур унча-мунча уялтириб туриши сир эмас. Олмониялик бир гуруҳ олимлар аҳли тумовларни шундай ноқулайликдан қутқардик, дея даъво қилишмоқда. Улар яратган махсус суюқлик бурун сувини «музлатар» экан. «Уялсангиз, бурун тортманг, бизнинг доридан фойдаланинг», деб реклама қилишмоқда олмон олимлари.

ana shunaqa gaplar

Ijodkor o'qituvchilarning anjumani oldidan

СИЗ УЧУН...

Сиз учун меҳрга айланайин мен,
Очайин қалбдаги тилсимни, сирни.
Сиз учун сеҳрга айланайин мен,
Меҳрга тўлдириб ташна кўнгилни.

Вафо ахтарсангиз, мендан ахтаринг,
Бир умр вафога айланайин мен.
Севги ахтарсангиз, мендан ахтаринг,
Қалбингиз қатига жойланайин мен.

ГУЛБАҲОР САФАРОВА,
Урганч туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси.

* * *

Юрагимга ғашлик оралаб
Недандир гоҳ сиқилсам албат,
Сен юпанчим бўласан ёлғиз,
Болаликдан қолган муҳаббат.

Сен етаклаб кетасан мени,
Сирли, сўнгсиз манзиллар томон.
Ишонувчан мурғак боладай
Эргашаман ортингдан ҳамон.

Ишонгайман сенда бор қудрат
Соғингайман, ўзинг ҳақиқат.
Юракларни тарк этмай асло,
Мангу яшаб қолгин муҳаббат.

Сайёра ҲУСАНОВА,
Ғаллаорол туманидаги 73-мактаб ўқитувчиси.

Пешку тумани ички ишлар бўлими ходимлари ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам воята етмаганлар орасида содир этилаётган жиноятлар сони кундан-кунга камайиб бормоқда. Улар тумандаги ўрта мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида турли хил учрашув ва тадбирлар ўтказишмоқда. Айниқса, бу ишда бўлимга катта терговчиси, милиция капитани Ўктам ҲАЙДАРОВ алоҳида намуна кўрсатмоқда.

Суратда: бўлимга катта терговчиси, милиция капитани (ўртада) Ўктам Ҳайдаров, милиция капитани, тергов бўлими ходими Т. ЖЎРАЕВ, ахлоқ тузатиш инспекцияси нозири, милиция капитани Д. Ҳожиевлар билан суҳбатлашаяпти.

Р. АСЛОНОВ.

«БИЗДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎҚ БЎЛСИН...»

ДЕЙДИ БОЛАЛАР, ЛЕКИН НИҲОЛГА ПАРВАРИШ ҲАМ КЕРАК

(Боши 1-бетда).

яқинда Ўш шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда қатнашиб, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон терма жамоалари ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллабди. Уларнинг чиройли ўйинлари, шиддатли ҳужумларидан беихтиёр руҳланиб кетган Ўш шаҳар губернатори ўқувчиларга қимматбаҳо совғалар билан бир қаторда қирғиз пулларидан ҳам тортиқ этиб юборибди. Ахир, бу ўзбек футболининг ҳам тобора обруси ошиб бораётганлигига, қолаверса, футбол мактаб-интернатлари ташкил этилиб сира хато қилинмаганига яна бир исбот эмасми?!»

Албатта, бу ғалабалар дастлабки қадамдир. Буни ўқувчиларнинг ўзлари яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар ютуқлардан сира кибрланиб кетаётганлари йўқ. Аксинча, ҳамма тинимсиз ўқиш, изланиш билан банд. Фақат ўқувчилар ҳар бир мусобақа олдидан «Қайғурманг, домла, биз барибир ютамиз!» — дейишни қанда қилишмаса бас. Нимаям дердик? Бу ҳам эзгу ниятларимизнинг яна бир дебочаси бўлса ажаб эмас.

ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ҚАРОР

Йигитнинг сазаси ўлгунча, арслоннинг бўйни узилсин... Фарғона вилояти футбол мактаб-интернатининг йигитлари хўп ажойиб бинога эга бўлишди-ю, аммо... Бу сўзни эшитиб, сиз ҳам шубҳасиз ҳайратга тушсангиз керак-а? Яна нима бўлдийкин? — дея ўйга толасиз... Ахир, қўлингизда иш қуролингиз бўлмаса қандай қилиб меҳнатингиз бароридан келсин?...

Фарғона вилояти ҳокимининг 1997 йил 13 январдаги 6-сонли қарори, ваҳоланки, бир неча бандлардан иборат эди. Олайлик, биринчи бандда кўрсатилган вазифа амалга ошди. Яъни, ёш футболчилар янги бинога кўчиб ўтишди. Лекин қарорнинг 2-3-бандларида таъкидлаб ўтилган алоҳида уйингоҳ, спорт зал, автобус масаласи ҳанузгача ҳал этилмаган. Шу қарорга мувофиқ Фарғона тўқимачилик комбинати мазкур мактаб-интернатни ўз ҳомийлигига олиши керак эди. Лекин бу корхона ўз ишини интернат аҳли янги, ўзига шундоққина кўшни бинога кўчиб утиши муносабати билан корхона спорт залининг эшиги бино ҳовлиси тарафда бўлганлиги сабабли унга қулф уриб, эшикни бутунлай бошқа тарафдан очиб олишдан бошлаган. Мураббийлар ҳар куни ўқувчилар билан комбинат ўйингоҳига (албатта яқин бўлгани учун) шуғулланиш мақсадида чиқишади. Бироқ негадир ҳар сафар уларни қувиб солишади. Эмишки, корхонанинг ҳам ўз жамоаси бор, машғулотларга ўқувчилар халал берармиш.

Боя айтиб ўтганимдек, ўқувчилар кўпроқ четга, олис туман, вилоятларга тез-тез бориб мусобақалар ўтказиши жуда зарур. Аммо ҳар сафар транспорт муаммоси кўндаланг бўлиб тураверади.

Мактаб-интернат раҳбарияти вилоят ҳокимининг 6-сонли қарорига асосан бир неча маротаба Фарғона тўқимачилик комбинати директори номига илтимоснома билан мурожаат қилишган. Лекин барибир қарор қоғоздагина қолиб кетяпти. Хўш, нима учун?...

Ҳокимнинг эсидан чиққандир, дейсизми?.. Ахир, унинг ташвишлари жуда кўп-ку! Лекин барибир Фарғона вилоятида ягона футбол мактаб-интернати борлигини унутиб қўйишларига сира ишонгинг келмайди...

Хулоса қилиб айтганда, биз ҳикоя қилиб ўтган бу ёш футболчилар Ўзбекистонимизнинг эртанги таянчлари. Эртага ҳақиқий ўзбек футболининг нуфузи, обруси, шон-шуҳратини ўшалар кутаради, ўшаларгина бизни дунёга танитади.

Мен Фарғона сафаридан қайтарканман, бўлажак футболчиларга куч-қувват, матонат, сабру қаноат, вилоят акобирларига эса ёлғиз Яратганнинг ўзи инсоф ато этишини тилаб, илтижо қилдим.

Олимжон ҲАЙИТ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЎЗБЕК-ТУРК ЛИЦЕЙ ИНТЕРНАТИ 1997-1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей 1996-1997 ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг вилоятлардаги мактабларида 6 ва 8-синфларни барча фанлардан «яхши» ва «аъло» баҳоларга битказаётган ўғил болаларни **билим ва қобилият** тест синовлари асосида қабул қилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган 6-синф ўқувчилари учун ўқиш муддати 5 йил. Улар биринчи йили инглиз ва турк тилидан тайёрлов курсида ўқийдилар, сўнг 8-11 синфларда математика, физика, кимё ва биология фанлари инглиз тилида, информатика турк тилида, қолган фанлар эса ўзбек тилида олиб борилади.

Тест синовларидан муваффақиятли ўтган 8-синф ўқувчилари учун ўқиш муддати 4 йил. Биринчи йили инглиз ва турк тилидан тайёрлов курсини тугатгандан сўнг, 9-11-синфларда математика, физика, кимё ва биология фанлари инглиз тилида, информатика турк тилида, қолган фанлар ўзбек тилида олиб борилади. Ўқиш давомида лицей ўқувчилари 5 маҳал бепул овқат ва ётоқхона билан таъминланади. 11-синфни яхши ва аъло баҳоларга битирган ўқувчиларга инглиз тили ва турк тилидан таржимон ва информатикадан мутахассис сертификатлари берилади.

ЎҚУВЧИЛАРДАН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ:

1. Ариза
2. 3x4 ҳажмли 6 дона расм
3. 6 ёки 8 синф табели (мактаб директори томонидан тасдиқланган).
4. № 86-У тиббий маълумотнома
5. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (асл нусхаси)
6. Мактабдан маълумотнома

Ҳужжатлар 10 апрелдан 1 майгача қабул қилинади.
Қабул имтиҳони май ойида ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент — 7000140

ТошДАУ Республика ўзбек-турк лицей интернати
19,83,96,129,167,491,53 — автобуслар.

Тошкент Давлат Аграр Университети бекати.

Телефон: 63-96-20.

Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курсида 1997 йил май ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида иш бошлайди.

Унга қуйидаги мактабгача тарбия муассасаларининг мутахассислари таклиф қилинади.

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари.
1.05.97 — 30.05.1997 йилгача.
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари.
1.05.97 — 30.05.1997 йилгача.
Қисқа муддатли курслар.
3. ХТВ назоратчи ва услубчилари.
1.05.97 — 15.05.1997 йилгача.
4. Вилоят малака ошириш институтлари қошидаги мактабгача тарбия муассасаларида болаларни чет тилига ўргатиш, иқтисодий билим асосларини бериш, болаларни саводга ўргатиш бўйича мутахассисларни муаллифлик курсига таклиф қилинади.
1.05.97 — 15.05.1997 йилгача.
5. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича қайта тайёрлаш муаллифлик курсига тингловчилар қабул қилинади.
1.05.97 — 15.05.1997 йилгача.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажати ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан туланади. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий-профилакторийга 1 — 5 май кунигача қабул қилинади. Курс қошида боласи билан кўладиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6 ° уй. Талабалар шаҳарчаси.
Телефон: 46-98-04, 46-90-94.

ЭЪЛОН

«Иман-Гарант» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси «Тил ва адабиёт таълими» журналининг бош муҳаррири Раъно Толиповага ўғли Баҳодир ТОЛИПОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Бошланғич таълим» журнали жамоаси «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Раъно Толиповага ўғли Баҳодир ТОЛИПОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси жамоаси «Тил ва адабиёт таълими» журнали бош муҳаррири Раъно Толиповага ўғли Баҳодир ТОЛИПОВ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тил ва адабиёт таълими» ва «Преподавание языка и литературы» журналлари таҳририяти жамоаси шу журналлар бош муҳаррири Раъно Толиповага ўғли Баҳодир ТОЛИПОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҚУТЛОВ

Қадрли ҳамкасбимиз Баҳриддин ЁҚУБОВ!

Сизни 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг! Барча ишларингизга омад ва муваффақият ёр бўлсин.

Қамаши туман халқ таълими бўлими ва туман таълим ва фан касаба уюшма қўмитаси.

Муҳтарама Қундуз НОРМАТОВА!

Сизни Оллоҳ берган олий неъмат — азиз умрингизнинг 50 баҳори билан қизғин қутлаймиз. Ўзи гўзал, сўзи асал, ишга моҳир, хизматга ҳозир, қўли чаққон, ҳаммага ёққан инсонлигингиз умрбод безавол бўлсин.

Сизга узоқ умр, ширин туйғулар тилаймиз.

А.Икромов туманидаги 295-мактаб жамоаси.

• Sport maydonchasi •

БРЮС ЛИНИНГ УСТОЗИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Адоқлаб бораётган XX аср таэквондосининг янги «жонридо» йўналиши асосчиси, Брюс Ли, Муҳаммад Али, Тони Робинс сингари номдор спортчиларнинг устози бўлмиш машҳур Жон Ри пойтахтимизда бўлди. У кўпминг сонли каратэ ишқибозлари билан учрашувда ўз фаолияти йўналиши, қоидалари, унинг асосий мазмуни ҳақида батафсил сўзлаб берди.

ДАРВОЗАБОН, ҲАКАМ ВА НАКАУТ

Бразилияда мамлакат кубоги учун «Рио бранку» — фламенго терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Қизиғи ўйиннинг 30 дақиқасида юз берди. Учрашув ҳаками «Рио Бранку» командаси дарвозабони Вольтенирга коптокни ўйинга киритмаётганлиги туфайли сариқ карточка кўрсатди. Бундан норози бўлган дарвозабон ҳакамга ёпишиб, бир қўли билан унинг бўйнидан ушлади-ю, юзига икки марта тарсаки тортиб юборди.

УЧТА 0:0

Олий тоифадаги жамоалар ўртасида футбол бўйича 6-миллий чемпионатнинг 8-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Учта учрашувда дарвозага бирорта ҳам туп киритилмади. «Янгиер» — «Атласчи», «Сурхон» — «Бухоро», «Пахтакор» — «Дўстлик» командалари учрашувлари ана шундай дуранг натижа билан тугади. Энди 8-тур учрашувлари натижалари билан танишинг: «Чилонзор» — «Зарафшон» 0:1, «Нефтчи» — МҲСК 2:3, «Андижон» — «Косонсой» 1:2, «Навбаҳор» — «Насаф» 3:1, «Афросиёб» — «Хоразм» 4:1, «Сўғдиёна» — «Трактор» 3:0.

ОПА-СИНГИЛ БИРИНЧИ

Наманганда теннис бўйича 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган турнирга якун ясалди. Қизлар ўртасида ўтказилган беллашувларда тошкентлик опа-сингил теннисчилар Лилия ва Луиза Биктяковаларга тенг келадиган спортчи топилмади. Усмирлардан эса финалга белорусь вакили Максим Бельский ва литвалик Евгений Царёв чиқишди.

9 ИМКОНИЯТДАН 6 ОЧКО

Испаниянинг Дос — эрманас шаҳрида шахмат мусобақаси ниҳоясига етди. 9 имкониятдан 6 очко тўплаган Вишванатан Ананд ва Владимир Крамниклар биринчи ўринни эгаллашди. 5 очко жамғарган болгариялик Тополов, Карпов ва Саювларга учинчи ўрин насиб этди.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Лукмон БУРИЕВ, Улуғбек ЖУМАЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0229.Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.